80796

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 3 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 48 (6745)

Даъват

Ахлоқий тубанликдан,
ўринсиз хуш суханликдан
огоҳ бўлмаса ҳар ким,
расво бўлган
фарзандининг
ҳолини кўрар бир кун.

Ж. ЧОСЕР

Ибрат

Андижондаги Чулпон номли 2-гимназияда ёш банкчилар тайёрлайдиган махсус синф очилди. 8-синфни битирган ўқувчилар тест синовларидан ўтгач, ана шу синфга қабул қилинади. «Ёш банкчи» дастури асосида ўғил-қизлар уч йил мобайнида таълим оладилар.

АМЕРИКА ЎЗБЕКИСТОННИ КАШФ ЭТМОҚДА

Суратда: Америкаликлар Ўзбекистон Президентини самимий кутиб олишди.
Ф. Курбонбоев (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 23—28 июнь кунлари АҚШга амалий ташрифи катта муваффақият билан якунланди. Матбуот агентликларининг таъкидлашича, америкаликлар Ўзбекистонни мустақил ва имкониятларга бой мамлакат сифатида кашф қилди, унинг бозор муносабатларига ўтишдаги ўзига хос йўлини эътироф этди. Бу республикамиз раҳбарининг ташрифи давомидаги барча воқеаларда ўз ифодасини топди.

Оқ уйда олий мартабали меҳмонлар қабул қилинадиган қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва АҚШ Президенти Билл Клинтон мулоқотда бўлдилар. Мулоқотнинг белгиланганидан қарийб икки баробар кўпга чўзилгани бу тарихий учрашувнинг узаро манфаатини, кенг фикр алмашув имконини берганидан далолатдир. Тарқатилган маълумотномалар бўйича Президентлар икки томонни қизиқтирган иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик масалаларини, шунингдек сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда Марказий Осиёдаги вазиятни муҳокама қилганлар. Суҳбатда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон билан АҚШ кенг қамровли масалалар бўйича қалин алоқалар ўрнатиш ниятида эканлиги маълум қилинган.

АҚШ раҳбарияти Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг етакчи мавқеини эътироф этиб, у билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ниятида эканликларини таъкидлайди. Минтақавий хавфсизлик муаммолари АҚШ Президентининг хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Э. Лейк билан мамлакатимиз раҳбари И. Каримов мулоқотида ҳам бош мавзу бўлди.

Амалий сафар давомида Ўзбекистон Президенти И. Каримов Америка хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш корпорацияси қароргоҳида бўлиб, АҚШ ишбилармон доиралари билан учрашди ва Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари хусусида батафсил сўзлаб берди. Биз Америка капиталининг Ўзбекистонга кириб келишидан манфаатдормиз, деди юртбошимиз.

Ўзбекистон раҳбарининг Вашингтонда АҚШ давлат котибининг ўринбосари Строуб Телбот ва АҚШ Марказий Разведка бошқармаси директори Ж. Дейч билан учрашувида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов АҚШ мудофаа вазирлигида алоҳида эҳтиром билан кутиб олинди. Ҳарбий қўшин турлари саф тортиб олий мартабали меҳмон шарафига тўплардан салют берилди. Президент И. Каримов ва АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри шоҳсупага кўтарилганида ҳар икки давлатнинг мадҳиялари янгради.

— Биз Ўзбекистонни Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ҳамкоримиз деб биламиз, — деди АҚШ мудофаа вазири. — Америка Ўзбекистоннинг НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги иштирокини, Қозоғистон, Қирғизистон аскарлари билан биргаликдаги Марказий Осиё тинчликни таъминлаш батальонининг ҳарбий машқларда иштирокини қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!
Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари!
Хонимлар ва жаноблар!

Энг аввало, Флоренцияга, Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувига таклиф этилиш шарафига муяссар бўлганимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг мана шундай юксак анжуманда имзоланиши — шубҳасиз, муносабатларимизнинг янги, ҳал қилувчи босқичга чиққанини исботловчи муҳим воқеадир.

Биз бу муносабатларга ташқи сиёсатимизнинг мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувига қаратилган устивор йўналиши, деб қараймиз.

Шу билан бирга биз бу ҳужжатнинг имзоланиши — ёш давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитети сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эканини ҳам миннатдорлик билан қайд этамиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан ҳамда давлатчилик қайта тикланганидан бошлабоқ, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва умуминсоний, эътироф этилган идеаллар ҳамда қадриятларга асосланган фуқаролар жамияти қуриш йўлига тушиб олди.

Ўзбекистон минтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланиб, табиий ва инсоний ресурсларга бой Марказий Осиёда алоҳида жўғрофий ва сиёсий-жўғрофий ўрин эгаллайди. Улкан табиий, минерал-хомашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугуннинг ўзидаёқ Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда Умумевропа жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолган. Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Хельсинки ғояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан давлатимиз пойтахти Тошкентни танлаганини юксак баҳолаймиз. Мамлакатимизнинг НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги шериклик» дастуридаги иштироки ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги замонда Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти тобора ўсиб бораётгани бизга савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимизнинг ёркин истиқболигагина эмас, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиши имкониятларига ҳам умид билан қараш имконини беради.

Биз, ўзбекистонликлар,

(Давоми 2-бетда)

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНИШИГА ДОИР ШАРҲЛАР

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналарининг хабарларига қараганда, ўтган ҳафтада Европадаги йирик ахборот маҳкамаларининг 57 та ахборотидан Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Жумладан, Рейтер, Франс-пресс, Европа ва бошқа шу сингари машҳур ахборот агентликлари Флоренцияда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани ҳақида хабар тарқатди.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг имзоланиш маросими Европадаги йирик «Евроньюс» трансмиллий телевизион компанияси томонидан мунтазам равишда ёритиб борилди. Дастлаб Чили билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кўзда тутувчи битим имзолангани ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон билан тузилган битимга келганда, унинг «маданий ва иқтисодий ҳамкорлик доирасидан чиқиб кетгани» ҳамда сиёсий ҳамкорликни ҳам кўзда тутиши алоҳида қайд этилди. Битимни имзолаш пайти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқ сўзлагани бир неча марта такрор кўр-

(Давоми 2-бетда)

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ДАВЛАТ ДАСТУРИ КЕРАКМИ?

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида дунё тан олди.

Ўзбекистон дунёга чиқа бошлади. Бу фурсатда яна бир нарса аён бўлдики, давлат иқтисодий имкониятига қараб бир неча гуруҳга ажратиларкан: қолоқ давлат; ривожланаётган давлат; ривожланган давлат. Ўзбекистонни эса ҳеч ким қолоқ давлат дейишга журъат эта олмайди, албатта.

Бироқ унинг хомашё республикаси бўлиб келганлиги билиниб қолди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон собиқ СССР таркибидаги республикаларга нисбатан тез фурсатда оёққа туриб олди. Бугун у ривожланаётган давлат. Ривожланган давлат бўлишга эса асосий даъвогардир. Бунинг учун ривожланган давлатлар иқтисодини яхши ўрганиши, улар билан тенг ҳуқуқли шароитда муомала қилмоғи лозим бўлади. Хўш, ўзга давлат иқтисодини ўрганиш, улар билан муомала қилиш учун энг аввало нима қилиш керак? Келинг, давра суҳбатимизни шу мавзудан бошласак.

Дарвоқе, давра суҳбатимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мактаблар бош бошқармасининг бошлиғи Гуландон Алимова, Тошкент давлат университети докторанти Курбон Шодмонов, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институти катта илмий ходими Дурдона Қодирова, ТошДУ халқаро журналистика бўлими ўқитувчиси Фотима Мўминовалар иштирок этишди. Давра суҳбатини Ҳалим Сайид олиб борди.

Ф. МЎМИНОВА: Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши бевосита бошқа мамлакатлар билан алоқа ўрнатиб, бутун дунёдаги илм, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш орқали бўлмоқда. Ўз доирасидан чиқмаган мамлакатлар ривожланмай тез йиллар ичида орқада қолиб кетмоқда. Демак, бошқа мамлакатлар билан бевосита муносабат ўрнатиш — бу ривожланишнинг асосий йўли.

Ўзбекистон учун бу масаланинг аҳамияти икки баробар баланд. Бунинг асосий сабаби — Ўзбекистон узоқ йиллар собиқ СССР таркибида бўлиб, дунё билан ўзи бевосита муомала қилмаган. Демак, ташқи алоқаларни кучайтириш соҳасида бизнинг тажрибамиз кам.

Хомашёвий республика статусини енгиш учун Ўзбекистон ташқи дунё билан яқинлашиб, ўз ҳудудига янги технологияларни олиб келиши керак. Демак, бунинг учун улар билан муомала қилишимиз керак. Муомала эса ҳозир дунё тили дея айтилаётган инглиз тилисиз қийин кечади, Дейлик Малайзия тез ривожланиб кетди. Сингапур, Тайванлар ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бу ривожланишларнинг асосида инглиз тилини пухта эгаллаганлик ётади. Хулосамиз шуки, инглиз тилини ўрганишга асосий эътиборимизни қаратишимиз керак, яъни бу тилни ўрганишнинг боғчадан олий таълим ва ишлаб чиқаришгача бўлган узлуксиз тизимини ишлаб чиқишимиз керак,

Ҳ. САЙИД: Фикрингиз ўринли, лекин келинг, аввало инглиз тили ўргатишнинг бугунги аҳволини билиб олайлик. Бу борада мактабгача тарбия муассасаларида мактаблар ва олий таълим тизимида қандай ишлар амалга оширилган? Натижалар қандай? Гапни боғчадан бошласак.

Д. ҚОДИРОВА: Дарҳақиқат, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, инглиз тилининг

(Давоми 2-бетда)

Фармон ва ижро

ҚУВОНЧИМНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Собиқ Иттифоқ парчалангандан сўнг жамғарма банкига 1985 йилда қўйган 3950 рубл омонатимнинг тақдири тўғрисида негадир кўп қайғурдим. Ахир, у пулларни пешона тери эвазига, ҳар сафарги маошимдан бир оздан чегириб бўлса ҳам жамғаргандим-да!

Хайриятки, Президентимиз бу масалани ҳам эътибордан четда қолдирмади. 1996 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли омонатларини индексация қилиш тўғрисида»ги махсус қарори чиқди-ю нур устига аъло нур бўлди назаримда. Негаки, мазкур қарордан сўнг менинг пулларим жами 16250 сўмга айланди. Ўйлайманки, республикадаги минглаб омонатчиларнинг қувончи чексиз бўлса керак.

Назира АҲМЕДОВА.

«МАҒРИФАТ» — 65 ЁШДА

3-БЕТГА ҚАРАНГ

ҚАБРТОШГА ТЕГМАНГ

Исроилда олимлар мамлакат янги ҳукуматидаги баъзи диний раҳбарларнинг археологик қазишларда топилган қадимги қабртошларни ўрганишни таъқиқлаб қўйишларидан ташвишга тушмоқдалар.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ИНТЕРНЕТ

Данияда бўлиб ўтган олимларнинг халқаро учрашувида Интернет компьютер сетидан илм-фан йўлида фойдаланиш ҳамда бу борада қароқчиликка йўл қўймаслик масалалари муҳокама этилди.

ШЕЪРИЯТНИНГ ЎРНИ

Яқин Шарқдаги олимлар уюшмаси қадимги араб шеъриятининг ғузалликлари ва бугунги маданиятдаги ўрнини юксак баҳолаб томошалар уюштирмоқдалар.

МУКОФОТ

АҚШ Президенти Б. Клинтон тантанали йиғилишда саккиз таниқли олимга машҳур Миллий илм-фан медалини топширди.

ДУНЁҚАРАШИ ЁҚМАДИ

АҚШ Бригхэм ёшлар университети таниқли инглиз тили профессори Гэйл Хюстонни ишга олмоқчи бўлди, бироқ кейин олимнинг баъзи қарашлари Мормон черковининг таълимотига тўғри келмагани учун таклифидан воз кечди.

Ҳайъат мажлиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИДА

Ҳайъат мажлисининг кун тартибида уч асосий масала муҳокама қилинди. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда халқ таълими тизимида алоҳида аҳамиятга эга.

БИРИНЧИ МАСАЛА

«2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ мактаблари моддий-техника негизини ривожлантириш ҳақида» бўлиб, унда шу йил 21 майидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 182-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳайъат қарор қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур 182-сонли қарори ижроси бўйича ишчи гуруҳи муҳокамаси учун график ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят ХТБлари раҳбарларига ҳам қарор ижроси бўйича тадбирлар белгилаб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бир ҳафта муддат ичида бошқармалар қошида бошлиқ раислигида ишчи гуруҳи тузилиши лозимлиги таъкидланди. Улар биринчи навбатда 1996 йили белгиланган режа бўйича топширилаётган мактаб бинолари қурилишининг тўхтовсиз бориши, маблағ билан таъминлаб турилиши, биноларни топшириш арафасида эса барча жиҳоз, турли асбоблар, мебелларни етказиб бериш, газлаштириш, телефонлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, ўқув-техник қуроллари ва бошқалар билан тўлиқ таъминлаш ишларини амалга ошириш устида алоҳида назорат олиб борадилар. Ҳар 10-15 кунда ишчи гуруҳи йиғилиб, тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишда тегишли ташкилот-

(Давоми 2-бетда)

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Тошкентда матбаачиликни ривожлантиришда компьютер технологиясининг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги йирик босмахоналар, нашриётлар раҳбарлари, Марказий Осиё мамлакатлари матбуот қўмиталари, Россия, Украина, хорижий фирма, қўшма корхона ва муассасалар вакиллари иштирок этди.

❀ Бруней—Доруссалом Султонлигининг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Бруней — Доруссалом Султонлиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги Қўшма баёнотни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

❀ Республика Рассомлар уюшмасининг халқаро марказида Миср маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада мебел, сантехника, кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа юқори сифатли кенг истеъмол моллари намойиш этилмоқда.

❀ АҚШ ҳукумат вакили Уильям Перри, Саудия, Арабистони маъмурияти 19 нафар АҚШ ҳарбий хизматчиси ҳалокатга учраган бино атрофини тегишли масофада чегаралашга розилик бермаганини билдирди.

❀ Мўғулистон парламентида бўлиб ўтган демократик сайловлар натижасида эски коммунистларнинг катта гуруҳи мамлакат раҳбарий лавозимларидан четлатилди, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

Абитуриент—96

БУ СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан «1996 йил ўқув юртларига тест синовларини ўтказиш учун меъёрий ва йўл-йўриқ ҳужжатлари» тайёрланиб, барча олий ўқув юртлари қабул комиссияларининг масъул котибларига тарқатилди. Мазкур ҳужжатларда ўқув юртлари қабул комиссияларининг вазифалари, қабул комиссияси ишини ташкил қилиш, тест синовлари вақтида абитуриентларга қўйиладиган талаблар кўрсатилган ва олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари абитуриентлари учун алоҳида-алоҳида эслатмалар берилган. Давлат тест маркази вакилига кўрсатмада эса олий ўқув юртлари қабул комиссияси билан биргаликда бажариладиган ишлар, ҳокимият билан боғланиб қилинадиган ишлар ва қузатувчилар билан бажариладиган ишлар ёритилган. Шунингдек, аудитория раҳбарига кўрсатмалар, тест синовлари жараёнида қилинадиган ишлар, аудитория қузатувчисига кўрсатмалар ва абитуриентлар билан ишлаш йўриқлари ҳам мазкур ҳужжатларда ўз аксини топган. Азиз абитуриентлар, бохабар бўлинг! Ушбу ҳужжатларнинг сиз учун зарур бўлган қисмлари газетамизнинг келгуси сонларида чоп этилади. Ўйлаймизки, бу ҳужжатлар билан танишиш сиз учун жуда фойдали бўлади.

ДТМ.

МММ — ХАБАРЛАРИ

УЧ АВЛОД АБДУЛЛАЛАРИ

Инсон учун ўтганлар ёди, ҳамиша мағрур жаранглаган буюк ҳикматлар, оташ нафаслар олами билан бирга бўлиш катта бахтдир. Ўзбегим ана шу покиза руҳлар қаршисида ҳар кун, ҳар дақиқа бош эга билиши билан ҳам ўзбек-да!.

Яқинда Чироқчи туманидаги Ибн Сино номли ўрта мактабда «Уч авлод Абдуллалари» деб аталган кўргазмали семинар туман тил адабиёт муаллимлари орасида ўтказилди. Йиғилган 200 нафарга яқин муаллимлар адибларимиз А.Қодирий, А.Қаҳҳор ва А. Ориповларнинг асарларини ўрганиш юзасидан фикр алмашишди, бу тўғридаги алоҳида ўқув режасини ишлаб чиқишди ҳамда мазкур мактаб адабиёт муаллимларининг бу соҳадаги билим савияларини ҳамкасблик ҳурмати бир «элак»ка солиб кўришди.

ПАРВОЗ ҚИЛАВЕР, «ҚАЛДИРҒОЧ!»

Шаҳрихондаги 41-ўрта мактабнинг истеъдодли мусиқа муаллими Солижон Қиронов раҳбарлик қилаётган, қўшиқ айтиш иқтидорига эга ўсмир йигит-қизлардан иборат «Қалдирғоч» дастаси далаларда тер тўкаётган қадоқ қўлли пахтакор ота-оналарига хизмат кўрсатиш учун йўлга отланди.

Дарвоқе, улар ўтган йилги вилоят миқёсида ўтказилган «Санъат байрами»нинг совриндорлари ҳисобланишади.

«ЁШ ИНФОРМАТИКЛАР» ЁЗГИ МАКТАБИ

Халқ таълими вазирлигига қарашли Ғазалкент туманидаги «Ёшлик» соғломлаштириш марказида «Ёш информатиклар» ёзги мактаби очилди. Бу ерда ўқувчиларга таниқли олимлар томонидан турли ускунавий дастур системаларидан фойдаланиш, юқори имкониятли дастурлаш «тиллари»да дастурлар тузиш, турли иқтисодий масалаларни компьютерда ечиш, излаш ва саралаш масалалари каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

Дарвоқе, ёзги мактабда 13 та вилоятдан «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани бўйича вилоят олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаган 24 нафар ўқувчи қатнашди.

МУАЛЛИФЛАР:
Абдували ОБИДДИНОВ
Ҳасанбой РУСТАМОВ
Баҳодир БОЛТАЕВ.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаётини таъминлайдиган эркин бозор иқтисодиётига эга демократик очиқ давлатни шакллантириш ва оёққа турғизиш учун Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари кўрсатаётган ёрдам ҳамда мададни юксак баҳолаймиз ва миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Бугунги кунда хусусий сектор ва тадбиркорликни мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, биз учун янги бўлган мулкдорлар синфини оёққа турғизиш, замонавий меъёр ва стандартларни ҳаётимизга татбиқ этиш борасида бизга кўрсатилаётган ёрдам ниҳоятда муҳимдир.

Бу борада Европа Иттифоқидан ТАСИС дастури буйича олаётган ёрдамимиз ҳам ниҳоятда мислсиздир.

Биз Европа Иттифоқининг Европа билан Марказий Осиё ўртасидаги илгари Буюк ипак йўли ўтган йўлда транспорт қатновини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасини ривожлантиришга ниҳоятда катта аҳамият берамиз. Ўзбекистон бугунги кунда бир қанча манфаатдор давлатлар билан ҳамкорликда мазкур лойиҳани амалга ошириш юзасидан амалий қадамлар ташламоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Мен ҳамкорлигимиз Ўзбекистон учун Европада, Европа учун Марказий Осиёда катта имкониятлар очиб беришига қодир эканига тўла аминман. Ҳамкорлигимизнинг мақсади битта — Европа ва Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркини кафолатлаш, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишдан иборатдир.

Бугун шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолар эканман, мен муносабатларимизнинг истиқболига умид билан қарайман ҳамда бу муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, зиммамизга олган мажбуриятларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қатъий аҳдимни ифода қиламан.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

Флоренция шаҳри, ИТАЛИЯ.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНИШИГА ДОИР ШАРҲЛАР

(Боши 1-бетда).

сатилди.

Шу йилнинг 24 июнь куни Францияннинг нуфузли «Эхо» кундалик иқтисодий газетаси бу битим ҳақидаги хабарни «Чили ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик тўғрисида битим» деган сарлавҳа билан босиб чиқарди.

Ўзбекистон билан тузилган битимга тўхталар экан, газета бу битим одатдаги иқтисодий ҳамкорликнинг қатъий доирасидан чиқиб, Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ҳамда унинг демократияни мустаҳкамлаш, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши лозимлигини таъкидлашини ёзади.

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон «Европа Иттифоқи билан фақатгина маданий ва иқтисодий соҳалардагина эмас, стратегик соҳада ҳам шерик бўлишни исташи» тўғрисидаги гапини ҳам келтиради.

Европа комиссари Ханс Ван Ден Брукнинг гапига қараганда, «бу битимнинг геостратегик аҳамияти шундоқ ҳам кўриниб турибди». Битимнинг Ўзбекистон учун аҳамиятини таҳлил қилар экан, француз газетаси «Москвадаги айрим кишилар собиқ салтанатни тиклашни орзу қилиб турган ҳозирги пайтда Тошкент томон йўналтирилган бу хушхабар ўта муҳимдир», деб давом этади.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг имзоланиши Францияннинг давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек, етакчи ишбилармонлари ўртасида ижобий фикр уйғотди. Жумладан, Франция ишбилармонлари миллий кенгашининг вице-президенти Ф. Жискар Дъэстен «Шундай юксак даражада битим имзолангани Президент Ислом Каримовнинг тўғри иқтисодий сиёсат юргизаётганидан далолат беради, бу бугунги кунда Ўзбекистон Европа ишбилармонлари учун энг ишончли шерик эканини яна бир бор исботлайди», деб қайд этади.

Европа Иттифоқи Кенгаши тарқатган матбуот ахборотида Р. Проди, Ж. Сантери ва И. Каримов ўз нутқларида битимнинг Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳам сиёсат, ҳам иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдаги муҳим аҳамиятини таъкидлашгани қайд этилади. Р. Проди Европа Иттифоқининг Ўзбекистонга, унинг мустақиллик руҳи ҳамда Марказий Осиёда тутиши лозим бўлган ўрнига қаратаётган муҳим эътиборини алоҳида таъкидлади.

Матбуот ахборотида шунингдек, битим томонлар ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг бутун бир мажмуини қамраб олгани ҳамда у томонлар ўртасида ижтимоий, молиявий, илмий-техник ҳамкорлик учун асос яратиши тўғрисида гапирилади.

Россиянинг бир қанча оммавий ахборот воситалари имзоланган ҳужжат Ўзбекистоннинг синов муддати билан Европа Иттифоқига кириш таклиф этилган Шарқий Европа мамлакатлари қаторига киришига аниқ имкониятлар яратганини таъкидлайди.

Ғарб дипломатлари, шунингдек, Россия Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги битимдан унча хурсанд бўлмаса керак, деган фикрни билдиришмоқда. Чунки Москванинг нуқтаи назаридан қаралганда, МДҲдаги барча давлатлар бугунги кунда ўзларининг бутун саъй-ҳаракатини жаҳон сиёсатида минтақавий «жуғрофий-сиёсий» марказ сифатида Ҳамдўстликнинг мавқеини оширишга йўналтириши лозим. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи билан Россия ўртасидаги шериклик ва ҳамдўстлик тўғрисидаги битимнинг ратификация қилиниши ва кучга кириши билан боғлиқ «Россия масаласи»нинг жуда секинлик билан ҳал этилиши манзарасида МДҲдаги айрим мамлакатларнинг Европа Иттифоқи билан жадал яқинлашуви ҳам Россия раҳбариятини ташвишлантиради.

АМЕРИКА ЎЗБЕКИСТОННИ КАШФ ЭТМОҚДА

(Боши 1-бетда).

Республикамиз Президенти Вашингтонда АҚШ давлат департаменти, конгресси вакиллари, шунингдек иш одамлари билан талай учрашувлар ўтказди. Бу учрашувларда энергетика, молия, савдо, тадбиркорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ва АҚШ штатлари ўртасидаги ҳамкорликни тараққий эттириш, мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Вашингтонда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси янги биносининг очилиши, «Ўзбекистоннинг нефтегаз салоҳияти» мавзуида қўргазманинг ташкил этилиши ва конференция ўтказилиши каби тадбирлар ҳам мазкур амалий сафар давридаги воқеалардан бўлди.

Умуман, Ўзбекистон Президентининг АҚШ амалий сафари ҳар иккала давлат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларининг янги тарихий босқичига асос солди, деб тўлиқ ишонч билан қайд этиш мумкин. Бу Ўзбекистон обрўсининг жаҳонда ошишига, давлат мустақиллигини мустаҳкамланишига хизмат қиладиган муҳим заминлардан бўлган тарихий воқеликдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИДА

(Боши 1-бетда).

лар билан келишилган ҳолда амалий ёрдам бериб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир туман учун қуриладиган мактабларнинг битирилиш муддати ва манзили режада аниқ қилиб кўрсатилган, бунинг учун етарли миқдорда маблағ ажратилган.

ИККИНЧИ МАСАЛА

Бутун бир катта тизим ўзгарди, табиийки, унинг халқ таълими тизимида ҳам янгиланиш катта бўлди. Эскича ўқиб, шаклланган муаллим қандай қилиб, янгича тизим буйича фаолият кўрсатади? Албатта бундай пайтда халқ таълими малака ошириш институтлари асосий ишни зиммаларига оладилар. Ҳайъат мажлисида «Ўқитувчиларни бозор иқтисодиёти шароитида малакасини ошириш соҳасидаги янгиликлар ҳақида» қўрилган масалада малака ошириш институтларининг бугунги аҳволи, унинг фаолияти таҳлил қилинди. Маърузачи (М.Лафасов) амалга оширилган ибратли ишлар қаторида мавжуд камчиликларни ҳам алоҳида таъкидлади. Масала кенг муҳокама қилинди ва ҳайъат барча камчиликларни бартараф этиш учун тегишли қарорлар қабул қилди.

УЧИНЧИ МАСАЛА

Ҳайъат мажлисидаги сўнгги масала «Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти фаолиятини текшириш якунлари тўғрисида» бўлиб, у ҳам кенг муҳокама қилинди.

Бунда юқорида номи тилга олинган институтнинг икки йил мобайнидаги фаолияти кўриб чиқилди. Бунинг учун тузилган комиссия текшириши натижасида амалга оширилган қатор амалий ишларни таъкидлаган ҳолда, камчилик ва нуқсонлар ҳам айтилди, муҳокама қилинди. Масалан, мактабгача тарбия факультетида 3 фандан, тарих факультетида 12 фандан дастурлар ишлаб чиқилмаган. Ўқув юкламаларини режалаштиришдаги нуқсонлар ва уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилмаганлиги натижасида синовларни топширмаган талабаларни курсдан курсга ўтказиш ҳоллари мавжуд. Талабаларнинг билим савияси доимо ҳам талабларга жавоб бермайди. Назорат ишларида қатнашган 534 талабанинг 14,1 фоизи «аъло», 34 фоизи «яхши», 36,5 фоизи «қониқарли», 15,4 фоизи «қониқарсиз» баҳо олишган. Институтда тарбиявий ишларнинг ҳам пастлиги алоҳида таъкидланди, чунки бу ерда ўқийдиган 14 нафар талаба жиноий ишга қўл урган....

Ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш ва бажарилишини таъминламаганлиги, факультетларда ўқув-тарбия жараёни устидан назоратни қониқарсиз ташкил этганлиги учун институтнинг ўқув ишлари буйича проректори Э. Умрзоқов, факультетларда талабалар ўртасида тарбиявий ишларни қониқарсиз ташкил этганлиги учун институтнинг тарбиявий ишлар буйича проректори К. Эргашев ўз вазифаларидан озод этилдилар. Шунингдек институт ректорининг буйруғига асосан фаолиятларида йўл қўйган қўпол хатолари учун табииёт-география факультетининг декани Ш. Миркомилов, тарих факультетининг декани А. Ҳазратқулов, кафедра мудирлари Н. Раҳматуллаев, М. Маматқулов, А. Саъдиев эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганликлари маълумот учун қабул қилинди.

Мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун ҳайъат мажлисининг қарори билан Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Х. Маъсудов, раҳбарлигида махсус ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳ бир ҳафта ичида институтга амалий ёрдам бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Шунингдек, институт раҳбариятининг фаолиятига тегишли қарорлар ҳам қабул қилинди.

Республикамиздаги бошқа педагогика институтларида ҳам бир ой муддатда 1995/96 ўқув йили якунлари ҳар томонлама таҳлил этилиши ҳамда янги ўқув йилида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олиниши, 1996 йилнинг охиригача ҳар бир факультет ва институт меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида ўз-ўзини аттестациядан ўтказиш, унинг натижалари эса кафедралар мажлисларида, факультетлар ҳамда институт кенгашларида кенг муҳокама этилиши қарорда алоҳида таъкидланди.

Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йулдошев бошқариб борди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти Исломжон Турсунов қатнашди.

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ДАВЛАТ ДАСТУРИ КЕРАКМИ?

(Боши 1-бетда).

лини тубдан англашга олиб келди. Бугунги кунда инглиз тилини ўрганишга нисбатан анъанавий қарашларни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди, чунки бу тилни ўрта мактаб ўқувчиларигина эмас, балки мактабгача ёшдаги болалар ҳам ўрганмоқдалар. Ҳозир жумҳуриятимиздаги кўплаб боғчаларда инглиз тили ўрганиляпти.

Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан «Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни хорижий тилларга ўргатиш давлат стандарти» (лойиҳаси) ишлаб чиқилди.

Давлат стандарти асосида «Боғча болаларини инглиз тилига ўргатиш» дастури тайёрланди ва бу дастур «Мактабгача тарбия» журналида чоп этилди.

1993 йилда 185 сон ва «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида болаларни хорижий тилда сўзлашишга ўргатишни яхшилаш бўйича» чиққан қарорига асосан Юнусобод туманидаги 206-боғча, Мирзо Улуғбек туманидаги 426-боғча ва бошқа боғчаларда тажрибасинов майдончалари ташкил этилди ва ана шу дастур ҳамда ишланмалар асосида тажрибалар ўтказилди. Дастур асосида боғчада ишлайдиган ўқитувчилар учун 16 машғулотдан иборат (рус тилида), 34 машғулотдан иборат бўлган (ўзбек тилида) ишланмалари, «Инглиз тили кичкинтойларга» методик қўлланмалари тайёрланди. Тажриба яхши натижалар берди.

Ҳозирги кунда кўплаб боғчаларда, жумладан А. Икромов туманидаги 540-, 217-боғчаларда, Мирзо Улуғбек туманидаги 426-, 319-, Яккасарой туманидаги 323 ва бошқа кўплаб боғчаларда юқорида айтилган дастур асосида болаларга ингиз тили ўргатиляпти. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Болаларимизни инглиз тилини янада яхшироқ ўрганишлари учун кўплаб дидактик материаллар, рангли методик қўлланмалар, рангли кўргазмали қуроллар тайёрланиши зарур. Чунки ўқитувчиларимиз ва болаларимиз ана шуларга жуда ҳам муҳтож.

Г. АЛИМОВА: Ўрта таълим мактаблари учун инглиз тилини ўрганиш бўйича ҳайъат қарори билан 1993 йилда Концепция қабул қилинган. Биз унга асосан 1995 — 2000 йилгача мўлжалланган таянч ўқув режаларини ишлаб чиқдик.

Биз, умуман 5-синфдан бошлаб инглиз тилини ўргатамиз. 5—6-синфларга соатлар жуда кўпу, лекин ўтган йиллари юқори синфларда соатлар кескин камайган эди. Ўқувчи юқори синфга бориб 5—6-синфда олган билимини йўқота бошлайди. Ўша 8-9-11-синфда бир соатдан эди. Буни бизга қайта кўриб чиқиб икки соатдан ўқув режага киритдик. Юқорида айтилган концепция ва ўқув режаси асосида Республика таълим илмий методика марказида инглиз, немис, француз тиллари бўйича муаллифлар гуруҳи ҳам тузилган.

Ҳозирги пайтда 5, 6, 7, 8-синфлар учун 1994—95 ўқув йилида ўқув дастури ва қўлланмалари ҳам тайёр бўлганди. Ҳозирча юқори синф дастурлари бизларда муаммо бўлиб турибди. Бу дарсликлар ҳозирча тайёр эмас. Энди дарсликларни тайёрлаш, янги технология муаммоси бўйича фикр юритадиган бўлсак менда бир таклиф бор. Умуман инглиз тилини — чет тилини ўрганиш учун дарслик ва қўлланманинг ўзи етарли эмас. У методик комплекс бўлиши керак. Мана концепция, ўқув режа яратилди. Дарслик ҳам уч қисмдан иборат бўлиши керак. Ўтган йили француз элчихонаси билан француз тилини ўрганиш бўйича «Транпалин» қўлланмаси тайёрланди. Бу уч қисмдан иборат: ўқувчи учун дарслик, машқларни бажариш учун ёзув дафтари, ўқитувчига янги технология бўйича дарсни қандай олиб бориш кераклиги ҳақида қўлланма, видеокассеталар тўплами. Агар биз дарсликларимизни мана шу тўртта компонентдан ташкил қилиб тузсак, оладиган натижамиз яхши бўлади деб ўйлайман.

Илғор тажриба деганда биз нимани назарда тутамиз? Кўпчилик бизга савол беради. Мана биз чет тилини беш йил ўрганамиз, лекин нега икки оғиз гап тузиб чет элдан келган фуқаро билан гаплаша олмаймиз?

Бу ерда дарсликларни тузишда ҳам янги методика бўлиши керак. Биринчидан, у коммуникатив мақсадни кўзда тутиши керак, чунки чет тилини ўргангач, мулоқот қила олиши керак. Иккинчидан, янги технология дедик, бунда видеокассеталар, магнитофон ўқитувчига, ўқувчига алоҳида қўлланма бўлиши керак.

Чет тили дарсликлари ўша давлат мутахассислари билан ҳамкорликда яратилса, менимча натижа яхши бўлиши мумкин. Мана, россияликлар Британия кенгаши билан бирга, «Happy English» дастур ва дарслигини ишлаб чиқишди. Бу дастур ва дарслик асосида ўқиш олиб борилган рус мактабларида болалар инглиз тилида тез мулоқотда бўлишяпти. Бизлар ҳам ўзимизнинг дастурларимизни ишлаб чиқадиган бўлсак, бевосита шу тилда гапирадиган давлат мутахассислари билан биргаликда иш олиб боришимиз керак. Британия кенгаши билан биз дарслик бўйича иш бошлаган эдик. Бешинчи синф учун яхши бир дарслик ҳам яратилди, бу ишни яна давом эттиришни тақозо этмоқда.

Қ. ШОДМОНОВ: Юқорида қайд этилган муаммолар олий таълимга ҳам тааллуқлидир. Лекин бир ачинарли томонини очиқ айтишимиз керак, ҳанузгача олий таълим тизимида на яхши бир дарслик, на комплекс пайдо бўлгани йўқ. Яқин йилларда уларнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳам бир гап йўқ. Бунинг албатта бир неча сабаблари бор. Биз ҳам бир неча марта олий таълим тизимида ниҳоятда кўп дарсликларни кўрдик. Энг малакали мутахассислар томонидан Япония, АҚШ, Буюк Британия, Олмонияда, шунингдек ривожланаётган Индонезия, Малайзия, Туркияда чоп этилган китобларни кўрдик. Булар мутахассис нуқтаи назаридан кераклидир. Лекин ҳар бир давлатнинг ўз миллийлиги бор.

Бугунги кунда олий таълим тизимига миллийлаштирилган комплекслар керак, комплекс деганда бир дарслик эмас у икки қисмдан иборат, бу ўқувчи ва ўқитувчи учун мукаммал равишда тузилган қўлланма бўлиши керак, иккинчи қисмда шу китобга мўлжалланган сўзлашгич бўлиши керак. Мукаммал равишда тузилган энциклопедик луғат бўлиши ва буларнинг ҳаммаси кассетага ёзилган бўлиши керак. Кўпинча И. Давидова ёки бошқасини тилга олишганда уни оғзаки нутқни ривожлантирармиш, дейишади. Бу бўлмаган гап... Агар биз Ўзбекистоннинг ривожланган эртаси ҳақида қайғурадиган бўлсак инглиз тилини, ҳақиқатан ҳам боғчадан бошлаб ўрта мактаб, олий таълим системасида ёппасига чет тилини ва аввало инглиз тилини ўрганишимиз шарт ва зарурдир. Бунда албатта биз ўз давлат тилимизни мукаммал билишимиз, шунингдек, 70 йил давомида миллатимизнинг маълум қисми рус тилини мукаммал эгаллагани ва катта ютуққа эришганини ҳам унутмаслигимиз керак.

Ҳ. САЙИД: Орадан воситачи тилни олиб ташлаш учун нима қилиш керак?

Ф. МЎМИНОВА:

Бунинг учун биз фарзандларимизни бошидан инглиз тилига ўргатишимиз керак. Воситачи тил орқали эмас. Мана, катта муаммо кўтарилди — луғат муаммоси! Бизда «Инглизча-ўзбекча» катта луғат йўқ. Бунда «Инглизча — русча» луғатнинг мавжудлиги воситачи тилнинг мавқеини сақлаб турибди. Шунинг учун бугун инглиз тилини ўрганишни хоҳлайдиган одам рус тилини ҳам ўрганиши шарт ва мажбур. Мана, масалан ўзбек мактабида ўқийдиган ўғлим инглиз тилини русча дарслик орқали ўрганяпти, ишлатадиган луғати ҳам русча...

Г. АЛИМОВА: Улар махсус мактабларда. Чет тилини ўрганиш бўйича икки хил мактаблар бор. Ўрта махсус мактабда 5-синфдан ўқитила бошланади. Махсус мактабларда, масалан гимназияларда биринчи синфнинг иккинчи ярим йилидан бошлаб чет тилини чуқур ўрганади. Энди бу мактабларнинг сони олдин кам эди. Шунинг учун китобни нашр этишга буюртма ҳам олмас эди. Шу боис ҳозир ҳам Россиядан келтирилган дарсликлар орқали ўқув жараёнини ташкил этяпмиз....

Ф. МЎМИНОВА: Бу масала бизнинг ўқув тизимимизнинг камчилиги эмас, чунки бу ишни ривожлантирмоқчи бўлган жонқуяр ниҳоятда кўп лекин бизнинг эскидан қолган «багаж»имиз шунақа. Нима қилиш керак? Фикримизча буларни ўзгартириш керак?

Ҳ. САЙИД: — Қандай қилиб ўзгартиришимиз керак?

Ф. МЎМИНОВА: Инглиз тилини ўрганишда концепциямиз ҳам назарий, ҳам амалий қисмлардан иборат бўлгани маъқул. Назарий қисми шундан иборатки, мамлакатимизда инглиз тилини 3 ёшдан бошлаб мутахассисликкача ўрганиш бўйича Давлат дастури тузиш керак. Амалий қисмида 3-4 ёшдаги бола учун тўрт қатордан иборат инглизча ашулалар, кейин тўрт, беш, олти яшарлар учун инглиз тилида болалар журналлари, тушунилиши осон бўлган китоблар чиқариш керак. Мактаб ёшидан бошлаб эса китоб ва кассеталар чиқарилгани маъқул.

Малайзиянинг бу тизимини ўрганганимизда, масалан, «Маугли», «Уч мушкетёр», «Гуливернинг саёҳатлари», «Қаҳраболар ороли» ва бошқа жаҳон классик адабиёти асарларини болаларга мослаштириб чиқарганларининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг ҳар бири китобча шаклида нашр этилган ва унинг ёнидан ўша асарнинг асл Англия инглизчасида овоз бериб, ёзилган кассетаси мавжуд.

Кўпчилик мамлакатларда «BBC — English» (Би-Би-Си Инглиш) дўконлари бор деб эшитаман. Бу дўконларда инглиз тилида китоб билан биргаликда кассеталар сотилади. Матнни ҳам ўқиш, ҳам эшитиш мумкин. Шунингдек ихтисослаштирилган кассеталар ва китоблар ҳам. Масалан, «Medikal English», «Financial English» ва ҳоказо.

Бундай дўконлар очиш учун «BBC English»нинг ваколатхонасини очиб, ишлашига имконият яратиб бериш лозим. Ҳозир биз нима қиляпмиз? Саккизинчи синфда болани қайтадан ўқитиш учун соатларни кўпайтиряпмиз.

Боламизни «ўқигин-ўқигин» деб шоширамиз, кўп вақтини тил ўрганишга ажратишини хоҳлаймиз», «тилни билмасанг, келажагинг йўқ», деймиз. Ахир у саккизинчи синфда фақат инглиз тилини ўқимайдику, у тарих, биология, математика, физика, химияни ҳам чуқур ўрганиши керак эмасми? Улардан ташқари ҳам зарур фанлар жуда кўп, уларни ҳам ўқиши керак. Инглиз тили ўргатишни, масалан, олти ёшидан бошласак, унда бошқача бўлади. Комплекс деган сўз шу ерда кўп ишлатилади. Балки методика жиҳатидан тўғридир, лекин бу комплексни тайёрлаш керак. Буни тайёрлаш учун вақт керак. Маблағ керак. Бу комплекс амалиётга чиққунча кабинетларда, кабинет йўлакларида йиллаб юрадими? Ўзбекистон кутиб турaверадими? Қачонгача кутамиз? Мана мен оддийгина ҳисоб-китоб қилдим. Ўзбекистонда 22 млн. аҳоли яшайди. Улар 5—7 млн. оилани ташкил қилади, дейлик. Масалан, шунча оиладан 1 миллиони фарзандини инглиз тилини ўқитмоқчи. Демак, бизга 1 миллион шунга ўхшаган китобчалар, кассеталар керак. Бизнинг камчилигимиз шундан иборатки, ўқув қўлланмалар, дастурлар бор. Лекин улар мутахассислар қўлида, оммага эса етиб бормаяпти ва кўплари шундайлигича кабинетларда эскириб келяпти.

Қ. ШОДМОНОВ: инглиз тилини ўқитиш йўллари анчагина. Мана мен битта мисол келтираман. Россиянинг «Маяк» радиостанцияси эрталаб соат 7 дан 7 яримгача соф инглиз тилида энг охирги дунё янгиликларини бериб туради.

Бу ҳамма тушунадиган тил. Худди шу янгиликлар рус тилида такрорланади ва янгиликлар тугагач, бир шингил инглиз тилидаги, кўп эмас, бор-йўғи икки иборани айтади. Бу кишининг кундалик ҳаёти учун керак бўладиган сўзлар бўлиб, энди ҳар куни иккитадан ибора эшитаверса албатта радио эшитувчининг ёдида қолади. Менимча, бу услубдан радио ва телевидениемиз ҳам фойдаланса айни муддао бўларди. Бу қийин нарса эмас. Биз ҳафтада бир марта инглиз тилида ахборот беряпмиз. Дейлик ўзбекча «Ахборот»дан кейин иккита инглизча ибора берилса ниҳоятда яхши бўларди. Бунинг учун катта маблағ керак эмас. Худди шундай таклифни радио раҳбариятига ҳам айтиш мумкин.

Г. АЛИМОВА: Булардан ташқари ҳозир турли хил тил ўрганиш марказлари очилган. Ҳозирча еттита вилоятда бор. У ерда ҳам тил ўрганиш имкониятлари яратиляпти. Қорақалпоғистонда ташкил этилган «Прогресс» ана шундай энг яхши марказлардан биридир.

Инглиз тилининг дунё миқёсидаги ўрни, баҳоси барчага маълум. Ҳозирги даврда халқ таълимини ислоҳ қилишда ҳам инглиз тилининг роли каттадир. Чунки кўпгина давлатларда турли мавзуларда ўтказиладиган конфереция ва йиғилишлар ҳам шу тилда олиб борилмоқда. Масалан яқинда Таиланднинг Банкок шаҳрида Марказий Осиё ва Тинч океан давлатлари таълим вазирликлари иштирокида «Халқ талимининг XXI асрдаги ривожланиш муаммолари бўйича» илмий конференциясида қатнашдим. Бунда мактабгача тарбия, бошланғич умумтаълим масалалари ва таълим орқали тинчликни сақлаш дастури муҳокама этилди. Бу бўйича эса албатта ўзаро мулоқот зарур, яъни инглиз тилини билиш жуда муҳим.

Ҳ. САЙИД: Таклифларингиз шуни кўрсатяптики, умумтаълим тизимида инглиз тилини 1-синфдан бошлаш керак бўлади.

Ф. МЎМИНОВА: Агар Ўзбекистон учун инглиз тилини биринчи хорижий тил қилмоқчи бўлсак, албатта энг камида 1-синфдан бошлаш, ундан олдин боғчадан эса тайёргарлик кўриш керак. Енгилгина-енгилгина китобчалар, ашулалар чиқариб, болаларни 3-4 ёшлигидан инглиз тилининг талаффузига ўргатиш керак. Видеокассеталар тайёрлаш керак. Масалан, болалар мультфильмни яхши кўрадими, демак у орқали «бу ёққа кел», «буни ол» каби қисқа ва содда гапларни ўргатишимиз керак. Мактабга муомалага тайёр борса, унинг тилни ўрганиши шунчалик яхши ривожланади.

Ҳ. САЙИД: Бунинг учун биринчи навбатда нима қилиш керак?

Г. АЛИМОВА: Бу борада аллақачон эксперимент тариқасида бўлса-да, биринчи қадам ташланган. Бундай мактабларимиз бор. Натижасига қараб, шунингдек кадрларнинг тайёрланиши, дастур ва дарсликларнинг яратилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилгач ўтиш мумкин.

Ҳ. САЙИД: Юқорида луғат ҳақида гап бўлди. Аввало мавжуд инглизча-ўзбекча луғатларимизда неча сўз бор? Аслида у қанча сўздан иборат бўлиши керак?

Г. АЛИМОВА: — Мактаб ўқувчилари учун алоҳида луғат йўқ. Чунки ҳар бир дарсликнинг охирида луғати мавжуд.

Қ. ШОДМОНОВ: Бир неча луғатлар мавжуд. Шу жумладан бизники ҳам бор. У X — XI синфлар ва 1-курс талабалари учун 4,5 минг сўздан иборат бўлган «инглизча — ўзбекча—русча» ўқув луғатидир. Бундан ташқари «Ўқитувчи» нашриёти чоп этган Аблаев домланинг ҳам луғати бор. Лекин бу луғатлар етарли эмас... Ахир нуфузли ва мўътабар илм даргоҳларимиз, масалан, академиямиз, унда лексикография ва лексикология бўлимлари, у ерда меҳнат қиладиган академикларимиз бор. Лекин профессор Аманова, профессор Мюллер, профессор Смирницкийнинг, Гальпериннинг «Русча-инглизча», «Инглизча-русча» луғатлари чиқди. Ҳақиқатан ҳам шу луғатлар билан ишлаб келяпмиз, улар ниҳоятда керакли луғатлар. Шу луғатларни асос қилиб, ўзимизнинг «Ўзбекча-инглизча» ва «Инглизча—ўзбекча» фундаментал луғатларимизни чиқаришимиз мумкин. Буни жадаллаштириш йўллари ҳам бор, лекин негадир мана шу йўллар қўлланилмаяпти. Буни балки мутахассис йўқлигига йўйишар, бироқ буни бажаришда мутахассисларимиз етарли деб ўйлайман. Уни яқин йилларда чиқариш мумкин.

Ф. МЎМИНОВА: Менимча, тузилажак, биз таклиф этаётган концепция босқичларидан келиб чиқиб луғатлар яратиш керак. Масалан 1—4 синф учун, 5—8 синф учун, 9—11-синфлар учун алоҳида-алоҳида 5 минглик, 10 минглик луғатлар яратилса, ана ундан кейин 35 минг сўзли луғатлар чиқарсак бу мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳ. САЙИД: Ҳар бир яхши тадбирнинг салбий жиҳатлари ҳам бўлиши табиий. Ҳозир ўзбекчани билмайдиган миллатдошларимизнинг ўтмишига назар ташласангиз, улар болалигидан боғчаларда русчани ўрганишган, гаплашишган. Натижада ўз она тилларини унутишган.Яна бир мисол. Ҳиндистонда «ҳинглиш» деган ярим инглиз, ярим ҳиндча тил пайдо бўлган. Агар биз ҳам боғчадан болаларга инглиз тилини ўргата бошласак, яна ўз она тилимизга путур етмасмикан?

Ф. МЎМИНОВА: Йўқ ундай бўлмайди. Нега айримларимиз ўз тилимиздан русчани яхши биламиз, чунки у пайтларда ўзбек тили доим камситилиб келинган. Ўзбек тили давлат тили эмасди ва унга эҳтиёж камроқ эди. Бир пайтлар Афғонистондан келиб ўқиган талабалар «бу ерда ўзбек тилига эҳтиёж йўқ экан, ҳужжатлар рус тилида тўлдирилади, ўқиш ҳам шу тилда, муомала ҳам», дейишганди. Энди ўзбек тили давлат мақомини олди, усиз ҳеч нарса қилиб бўлмаслиги кундай аён.

Д. ҚОДИРОВА: Боғчаларимизда ўзбек тилига эътибор жуда баланд. Ўзбек болалари ўз тилларини мукаммал ўрганиш билан бирга инглиз тилини ҳам ўрганяптилар. Рус тилида сўзлашадиган болалар ҳам аввал ўзбек тилини ўрганиб, сўнг инглиз тилига эътиборларини қаратяптилар.

Ҳ. САЙИД. Фикримизга ҳозирча якун ясайдиган бўлсак, ушбу давра суҳбатидан қуйидаги тезислар келиб чиқади:

— инглиз тили боғчадан, яъни бола 3—4 ёшдалик чоғидан бошлаб ўргатилиши ва бу умумтаълим мактабларида ва олий ўқув юртларида давом эттирилмоғи, бунинг учун эса инглиз тилини ўрганишнинг яхлит концепция асосидаги Давлат дастурини тузиш;

— бунинг учун қўлланмалар, дарсликлар, кассеталар, видеокассеталар, дидактик материалларни соф инглиз тилида сўзлашадиган давлат олимлари ёрдамида чоп этиш, қўпайтириш;

— бу билан бир вақтда боғча, бошланғич синфлар, юқори синфлар; ниҳоят олий ўқув юртлари учун мутахассис тайёрлашни бошлаш;

— ҳозирги кунда инглиз тилини мукаммал ўрганишга зарур бўлаётган воситачи тил — рус тилига камроқ мурожаат қилиш мақсадида энг аввало «Инглизча — ўзбекча», «Ўзбекча — инглизча» энциклопедик луғат тузиш;

— тил ўрганиш учун барча воситалардан, жумладан телевидение, радио ва матбуотдан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.



БИЗ СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ

Одатда таҳририят ходимларига жуда кам кўриниш берадиган суратчимиз Рашид Галиев бугун эрталабданоқ пайдо бўлди-да, хонама хона шамолдай кириб чиқди. Сўнгра яна ғойиб бўлди. Орадан пича вақт ўтиб эса, сиз кўриб турган ушбу суратларни кўтарганича кириб келди...

«Маърифат»нинг 65 ёшга тўлгани, бизни газетанинг янада қизиқарлироқ чиқишига ундовчи қувончли воқеа — кўриб турганингиздек, ҳамма иш устида. Уларнинг кўпчилигини таниётган бўлсангиз, кўзингизга иссиқ учраётган бўлса-да, ажаб эмас. Чунки ходимларимиз бевоситами, бавоситами ҳамиша сиз билан бирга, сизнинг ёнингизда.

Келинг, гапга чалғиб кетмайлик-да, суратларга қисқача изоҳ берайлик. 1-суратда хатлар бўлими акс этган бўлиб, ходимларимиз янги хатларни сараламоқда. Газетада мақолалари пешма-пеш босилиб турадиган Ҳулкар Тўйманова айни дамда телефонда сиз билан суҳбат қуриб турган бўлса, ажаб эмас, азиз ўқувчи. 2-суратда котибият ходимлари Абдусамад Раҳим ва Маҳкам Қучқоровлар янги саҳифа устида ишлашмоқда ва албатта раҳбарият билан келишган ҳолда. Матнни оққа кучириш хонасини 3-суратда кўриб турибсиз. Дарвоқе, Чустий домла мадҳига ғазал битган Турсуной опа шу киши бўладилар. 4-суратда ҳисобчи опамиз сафар ҳужжатларини тўғрилаётир — мухбиримиз эса, сиз муштарийлар ёнига ошиқиб турибди. 5-суратда бўлим муҳаррирлари Олимжон Ҳайит, Асқар Шокир, Икром Искандарлар газетани яна бир қур назардан ўтказмоқдалар. Ва ниҳоят 6-суратда мусаҳҳиҳларимиз Назира Аҳмедова ва Хайрулла Жумаевларни кўриб турибсиз...

Юқорида айтганимиздек суратчимиз эрталабданоқ тасвирга олганди. Оқибатда, ишга келиб улгурмаган кўпгина ходимларимиз сиз билан дийдорлашолмай қолишди. Ва гарчанд суратчимиз вақтли келган бўлса-да, афсуски ўзини суратга олишнинг ҳам эвини қилолмади. Хуллас, суратда эълон қилинган ва қилинмаган «Маърифат»нинг барча ходимлари ҳамиша сиз билан ҳурматли газетхонлар!

ЖУРНАЛИСТЛАР САЁҲАТ ҚИЛИШДИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни ҳамда «Маърифат» газетаси 65 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси газетанинг бир гуруҳ ходимларига ўзига хос мукофот — йўлланма ажратди.

Куни кеча мукофот соҳиблари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб қайтишди. Дастлаб улар Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилдилар. Сўнгра Шоҳи Зинда мақбарасини, Регистон майдонини, Шердор, Улуғбек мадрасаларини, Улуғбек обсерваториясини бориб кўрдилар. Машҳур Сиёб бозори расталарини оралаганимизда ҳар хил маҳсулотлардан ташқари маҳаллий аҳолининг урф-одатларимизга, анъана удумларимизга нечоғли амал қилаётганлари эътиборимизни тортди. У ердаги бозорчиларнинг хушмуомалалиги, илтифотлилиги ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Сирасини айтганда, Ватанни дунёга танитадиган бозори, меъморий ёдгорликлари, шу билан бирга унинг ширин забонли халқи эканлигига яна бир бор иймон келтирдик...

Ҳозир Самарқандда буюк бобомиз — атоқли саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлашга ҳозирлик кўрилаётир. Шу муносабат билан қатор тарихий ва кўҳна обидалар таъмирланаяпти. Таъмирлаш ишлари Мустақилликнинг 5 йиллик байрами арафасида ниҳоясига етади, Самарқанд қайтадан чирой очади.

Кўҳна замин зиёратида «Маърифат»чиларга Самарқанд вилояти педагогика жамияти раиси Хушвақт Нурмахматов, мураббийлар газетасининг собиқ мухбири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Зайни Баҳриев, Самарқанд маорифчиларининг «Маърифат нури» газетаси муҳаррири Ёқубжон Аминов, «Маърифат»нинг ушбу вилоят бўйича мухбири Эшмирзо Маҳмудовлар ҳамроҳ бўлишди.

Хуллас, «Маърифат»чилар ўзларига бўлган бундай эътибордан ғоят мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

МАДҲ

Чустий домланинг 1988 йилда нашр этилган «Ҳаётнома» девонини варақлай туриб, «Машинистка Турсунойга» деб сарлавҳа қўйилган ғазалга кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, ғазал газетамизда матнни оққа кўчирувчи Турсуной Аъзамовага атаб ёзилган экан. Турсуной опа мана 33 йилдирки, «Маърифат»да меҳнат қиладилар ва қувончимиз «Маърифат»ни оққа кўчиргувчилар-да маърифатпарвар, ҳурматга ва мадҳга лойиқ инсонлардир! Ғазал эса ушбудир:

МАШИНИСТКА ТУРСУНОЙГА

Турсуной парвозини осмонда мақтаб юрсин ой,
Турсуной янглиғ тўлиб хизматда жавлон урсин ой.
Ўйнашур хат тугмалар устида нозик қўллари,
Турсунойнинг мўъжизотин хат ёзишда кўрсин ой.
Хоҳласа ўн беш қават қоғозга бир хил хат босар,
Бу каромат сирларин бармоқларидан сўрсин ой.
Меҳрини чиқ-чиқ этиб, дил дафтарига нақш этар,
Номи ўчмасдан кўнгиллар ичра доим турсин ой.
Ишлаганда Турсуной тирноқларининг жилвасин
Кўкда барқ урганда кўргач, кўзларига сурсин ой.
Турсуной иш созини чертганда рақс айлар кўнгул,
Бу тараннум завқи бирла ёнида ўлтурсин ой.
Бу ҳунар бирлан чаман япроғларига хат босиб,
Айлагай булбулни ҳам ширин ғазалхон, Турсуной.
Бахту, иқболу шараф, омад, зафар ҳамроҳидир,
Турсунойга Чустийдек таъриф ёзиб келтурсин ой.

СИЗ ЎҚИЁТГАН «МАЪРИФАТ» 65 ЁШДА

Тўй муносабати билан чиқадиган нашрларнинг байрам сони ўзига хос бўлади. Биз ҳам бу ўзига хосликдан қочмаймиз. Газетамизнинг номи «Маърифат» эмасми, шунинг учун мазкур мақоламиз ҳам маърифат тарқатсин, деган ниятда тўйни ўзгача ёритишга ҳаракат қилдик. Яъни бунда «Маърифат»нинг юзага келиши жараёни билан сиз азиз муштарийларни таништирадиган бўлсак, журналистика факультет ва бўлимлари талабалари учун эса бу бир соатлик сабоқ бўлсин, деган ниятимиз бор.

«Маърифат» газетасининг илк сони 1931 йилнинг 4 июлида дунё юзини кўрди. У аввал «Маданий инқилоб» кейинчалик «Ўқитувчилар газетаси»га айланди. 1991 йил 4 июлдан эса «Маърифат» номини олиб, халқ зиёлилари газетаси дея юритила бошланди.

Муассисларимиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасидир. Ҳозирча чоршанба, шанба кунлари чиқади. Нусхаси 40 минг. Хўш, «Маърифат» газетаси қандай юзага келади? Бу жараён қандай кечади?

«НОМЕРГА» ЁКИ «ЗАПАСГА»

Мақолалар — газетанинг ўзаги. У хоҳ катта, хоҳ кичик, хоҳ расмий, хоҳ илмий, хоҳ адабий, хоҳ ҳаётий бўлсин, журналистлар ибораси билан айтганда, газетага жон бағишлайди. «Номерга» ёки «запасга» деган ибора газетачилар сўзлашувига хос. Хўш, бу нима дегани?

Номерники шошилинч. Уни зудлик билан тушириш керак. Бирор йиғилиш ёки анжуманга қатнашган мухбир унинг тафсилотини қисқа ёки кенгроқ матнда оққа кўчиради. Хоҳласин қоғозда, хоҳласин бир йўла машинкада. Машинистка Турсуной Аъзамова, Қутби Фозиловаларга «диктовка» бир пастлик иш. Машинка клавишлари устида уларнинг бармоқлари шу қадар чаққон ўрмалайдики, баъзан «диктовка» қилаётган мухбир ҳам шошиб қолади. Машинканинг «чиқ-чиқ»и коридорнинг адоғидан ҳам эшитилиб туради. Машинисткаларнинг жонларига тўзим бersин! Эртадан то кечгача машинканинг «чиқ-чиқ»ига уларнинг асаблари қандай дош бераркан?

Хуллас, котибиятдан «Номерники бўлдими?» деб машинкада ёзиш хонасига тез-тез мўралаб кетишади. «Жумлада жаҳон», «Ибрат», «Даъват», «МММ хабарлари» ва ҳоказо рукн остидаги мақолалар ва хабарлар оққа кўчириб бўлингандан сўнг, машинисткалар ҳам енгил нафас олишади. Уни тайёрловчилар ҳам. Иш жараёнида жаҳл чиқиб, ақл қочиб, жиқиллашиб қолишлар бўлмайди, дейсизми? Аммо эртаси куниёқ улар ярашиб кетишади.

Масъул котиб Абдусамат Раҳимов, унинг муовини Маҳкам Қучқоровлар номерники қўлларига тушмагунча тинчишмайди.

«Запасга» ... Бу энди анча бемалол дегани. Аммо «запас»га мақола туширириб қўйган ходимлар ҳафта, ўн кунгача бемалол юраверади, дегани эмас. Ётиб еганга тоғ чидамайди. Газета бир ўпқон. «Запас»лар ҳам бир кун эмас, бир кун тугайди. Шунинг учун муттасил равишда уларнинг ўрнини тўлдириб бориш керак.

Хўш, қандай қилиб? Бу бўлим мудирлари, мухбирлари саъй-ҳаракати, ўй-режалари билан боғлиқ. Ижодкор ҳамиша изланишда. У ҳаётни кузатади, хулоса чиқаради. Мавзулар бисёр. «Запас»ни у ўз мушоҳадаси, мулоҳазаси билан вужудга келтиради. «Маърифат» педагогик журналистика ойнаси. Педагогика эса ҳаёт. Бу тарбиянинг серқирралигидан келиб чиқадиган соҳа. Демак, педагогик журналистикада теша теккан, тегмаган мавзулар асосида истаганча ёзиш мумкин.

Газетага яна кимлар мақола ёзади? Маърифат» газетасига ҳам бошқа нашрлар қатори ўз мухбирлари, вилоят мухбирлари, жамоатчи мухбирлар, олимлар, педагоглар, талабалар хабар ва мақолалар ёзадилар. Газетанинг бошқа нашрлардан фарқи кўп. «Маърифат»га муаллимлар кўпроқ мақола ёзадилар.

Дарвоқе, «Маърифат»да таркиб топган бўлимларни биласизми? Тарғибот; ижтимоий тарбия; мактаблар; олий ва ўрта махсус таълим; мактабгача тарбия; адабиёт ва санъат; маънавият ва миллий қадриятлар. Бу бўлимларнинг ҳаммаси ўз ижод маҳсулларидан ташқари бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланадилар. Булар — «Маърифат»га оқиб келаётган хатлардир. Йил бошидан бери таҳририятимизга келган хатлар 500 тани ташкил этди. «Маърифат» га иштиёқ билан хат йўллайдиган асосий муаллифлар, булар — ўқитувчилар. Улар қайси вилоят ёки шаҳарда, туман маркази ва олис қишлоқларда яшашмасин, ўз дарду муаммолари, таклиф ва мулоҳазалари билан газетага мактуб йўллашади. Хатлар почта қутисига келиб тушиши билан таҳририятга олиб чиқилади. Бу хатлар рўйхатга олиниб, идора дафтарига қайд қилинади. Мазмун моҳиятига кўра қайси бўлимга тегишли бўлса, ўша бўлим ихтиёрига берилади. Бўлимлар эса хатни синчиклаб ўқиб чиқиб, маъқул келса, таҳрир қилиб тайёрлайди ва машинкага узатади. Агар мақола ходимнинг дидига ўтиришмаса, жавоб ёзилмайди. Оққа кўчирилгандан сўнг мақола яна кўриб чиқилади ва муҳаррир муовинига берилади. «Запас» учун тайёрланган мақола газета юзини кўргач, хатлар бўлимига қайтиб келади ва ҳисобдан чиқарилади.

Гапнинг лўндаси номерники ҳам, запасга дегани ҳам «Маърифат»чиларнинг қаламларини чархлайди. Бу, бир имкон.

ТАҲРИР

Мақолалар таҳрир қилинади. Аммо таҳрир талаб қилмайдиган мақолалар ҳам қўлимизга тушиб туради. Булар ўз ҳамкасбларимиз, олимлар тақдим этадиган қўлёзмалардир. Хўш, таҳрир нима?

Чиғириқдан ўтказиш, ихчамлаштириш, кези келганда, қисқартириш таҳрирнинг кенг маънодаги тушунчасидир. Бўлимда ишловчилар мақолани кўриб, машинкада кўчирилгандан сўнг иккинчи бор кўздан кечириб чиқадилар. Адабий ходимнинг қўлидан чиққан мақола бўлим мудирига узатилади. У бундай пайтда ғализ жумлаларни тузатишга, айрим фикрлар билан бойитишга, қисқартиришга ёки қайтадан кўчиртиришга ҳақли. Агар мақола пишиқ-пухта тайёрланган бўлса, қўл қўйиб, муҳаррир ўринбосарига беради. Бинобарин, таҳрир ҳар бир ходимга тегишли жараён. Ҳар ким таҳрирга ўз салоҳиятига кўра ёндашади.

Муҳаррир ўринбосари ўта синчков. Унинг кўзойнак тақкан кўзларидан унча-мунча хатолар, мужмал ва қайтариқ жумлалар ўтиб кетолмайди. Бундан ташқари, у киши ўта эҳтиёткор, етти ўлчаб бир кесади. Ходимларни саналардан огоҳ бўлиб юришга ундайди. Саёз, буш ёки газетхонга ҳеч қандай янгилик бермайдиган мақолаларни у киши, албатта, қайтаради ва тўғри қилади. Муовиннинг нигоҳидан ўтган мақолалар бош муҳаррирга узатилади. Бош муҳаррир мақолани савияси, даражаси ва долзарблиги жиҳатидан баҳолаб, котибиятга беради. Дидига ёқмаса, сабабини кўрсатиб, бўлимга қайтаради.

МАҚОЛАЛАР КОМПЬЮТЕРДА ТЕРИЛАДИ

Компьютерлар газета чиқариш жараёнига ҳам кириб келди. Бундан 4-5 йил муқаддам линотип машиналарда кўрғошин эритмаси асосида гранка (мақоланинг босма шакли) ҳолига келтирилган мақолалар эндиликда компьютер ёрдамида терилаяпти. «IBM» маркали бу компьютерлар «Шарқ» концернининг цехларига кўрк ва савлат бағишлаб турибди.

«Маърифат»нинг махсус варақасига кўчиртирилган мақолаларни териб чиқиш бу компьютерларга иш эмас. «Оригинал», яъни мақола-қўлёзманинг орасига солинган гранкалар котибиятига олиб чиқилиб, папкаларга солинади.

«РЕЖАЛАШТИРИБ ОЛАЙЛИК»

Ижодий жамоа аъзолари душанба ва пайшанба кунлари бош муҳаррир хонасига йиғилишади. Тўртта саҳифанинг ўз мақолалари бор, яъни биринчи бетникини учинчи бетга, учинчиникини тўртинчига бериш ноқулайроқ.

Режалаштириш кўпинча баҳс-мунозаралар билан ўтади. Ярим соатга мўлжалланган йиғилиш баъзан узоққа чўзилиб кетади.

Қисқаси, саҳифаларга мақолалар тақсимлангандан кейин макетлаштириш жараёни кечади. Котибият ходимлари буни ўша куниёқ ёки газета чиқадиган кунда уддалашлари мумкин. Мақола ва суратлар жой-жойига тушдими? Сарлавҳалар мазмунга мосми?

Саналар тўғрими? Чизиқлар тўғри тортилганми? Бари-барига эътибор бериш керак.

САҲИФАЛАР ЧИҚДИ

Мана, саҳифалар бирин-кетин чиқа бошлади. Мусаҳҳиҳларнинг кўз нурлари аввал гранкаларга, сўнгра саҳифаларга тўкилаверади. Ҳарфлар жимирлаб кўзни олади. Мусаҳҳиҳларимиз Назира опа Аҳмедова, Улуғбек Одилов, Хайрулло Жумаевлар ҳафтасига икки кун келсалар-да, бу бир ҳафталик ишга татийди. Чунки мусаҳҳиҳнинг иши осон эмас.

Саҳифалар илк марта чиққанда, кундузги навбатчи ҳар томонлама синчиклаб ўқиб чиқади. Керак бўлса, ғализ жумлаларни таҳлил қилади. Кези келса, номақул жумларни олиб ташлайди. Имло хатоларини белгилаб, мусаҳҳиҳлар хонасига элтади.

Саҳифалардаги хатолар тузатилди. Демак, тоза. Кечки навбатчига «навбат»! У ҳушёр бўлиши керак. У сарлавҳаларни диққат билан кўздан кечиради. Имло хатолари учраса, қалам билан белгилайди. Мусаҳҳиҳлар ва кундузги навбатчидан ўтган хатолар ҳам кўпинча кечки навбатчининг зийраклиги билан «ушлаб» қолинади. Плёнкага акси туширилган «Маърифат» чироқ ёруғида худди газета каби кўринади. Аммо унинг ҳали газета ҳолига келиши учун плёнканинг акси металга кучирилади.

Ротация, яъни газеталарни босиш цехи «Маърифат»ни қайси машинага олишидан кечки навбатчи огоҳ бўлиб туради. Оператор кнопкани босиши билан улкан машинада «Маърифат « худди қандолатчилик цехидаги ширинликлар каби бирин-кетин чиқаверади. Навбатчи «сигнал»га икки донасини олиб, сўнгги бор сарлавҳаларга, мақолаларга, санага қараб чиқади. «Ҳаммаси жойида» лигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, соат ва дақиқани кўрсатиб, босишга рухсат маъносида имзо чекади.

Эрталаб... Эрталаб қарабсизки, «Маърифат»нинг янги сони муҳайё. Почта машинасига ортилган газетамиз бир кун олдин, бир ҳафта кейин дегандек, сизнинг қўлингизга бориб тегади.

«Маърифат» шу тариқа дунёга келади, бир фарзанд каби туғилади, яшайди ва вояга етади.

«Маърифат» сизники ва бизники. Уни «зўр» қилиб чиқаришга сиз ҳам бош қўшинг, азиз муштарийлар! Бизга ёзинг, ҳузуримизга келинг, фикрларингиз билан ўртоқлашинг! Бош муаллиф — ўзингиз, қадрли ўқитувчилар, тарбиячилар!

РЕЖАЛАР

Яқин келажакдаги режамиздан бири компьютер олиб, модем орқали халқ таълимидаги ахборот тизимига уланиш ниятидамиз. Бундан бизга не наф? Аввало бу тизим орқали барча вилоят ХТБлари билан боғланиш, айрим маълумот ва хабарларни олишимиз мумкин. Бу модем воситасидан вилоятдаги мухбирларимиз ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади. Зеро ҳанузгача улар ёзган мақолаларини почта орқали жўнатадилар. Кўпинча хабарлар кечикиб келади, натижада улардан фойдаланиб бўлмайди. Компьютер орқали эса, мутахассисларнинг фикрича, 20 секундда 1 саҳифа материал қабул қилиш, жўнатиш мумкин экан. Ривожланган давлатлар матбуотига қиёс қилсак, балки уларнинг мавжуд технологиясидан бир неча бор орқадамиз. Чунки уларда факс, телекс каби ривожланган алоқа воситалари мавжуд.

Юқорида мақолалар ҳануз машинкада ёзилаётганини айтгандик. Яқин келажакда буларнинг ўрнида ҳам компьютерлар ишласа, меҳнатимиз енгиллашган, қоғозлар тежалган бўларди.

ОРЗУЛАР

Орзусиз яшаб бўларканми?! «Орзуга айб йўқ», дейдилар. Қолаверса, отабоболардан «Яхши ният, ярим мол» деган мақоллар қолган.

Газетамиз дунёнинг илғор журналистикаси талабларига жавоб берадиган даражада чиқса. Хорижнинг ривожланган давлатларига журналистларимизни юбориб, улардаги таълимнинг илғор технологияларини ўрганиб, мақолалар ёзсалар ва улар ёзган материаллар мамлакатимиз таълим тараққиётига наф келтирса...

Газетамиз ҳафтада ҳеч бўлмаганда 4-5 марта чиқиб турса...

Муштарийларимизга обуна нархини иложи борича камайтирсак...

Хуллас, орзулар бисёр. Бугун эса барча журналистларимизу ходимларимизни, жамоатчи мухбирларимизу барча муштарийларимизни «Маърифат» ташкил топган куннинг 65 йиллиги билан қутлаймиз. Доимо бирга бўлайлик!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

ЁШЛИК СУРУРИ

(Дуэт)

Сафар Барноев шеъри.
Ҳабибулло Раҳимов мусиқаси.



ЙИГИТ: — Тилим эркин,
Дилим эркин,
Баҳорларим бор.
Ёр, диёрга хизмат қилмоқ
Қарорларим бор.

ҚИЗ: — қарорингиз, баҳорингиз
Сизга бош бўлсин,
Узбекистон — рўзгорингиз
Серқуёш бўлсин.

ЙИГИТ: Чуст дўппимнинг ўрмасида
Меҳр битилган.
Ёт ниятлар кўрмасин деб
Сеҳр битилган.

ҚИЗ: — Меҳрим бор деб,
Сеҳрим бор деб.
Баҳоналарда,
Уяламан, қўлим тутманг
Дарсхоналарда.

ЙИГИТ: — Ошиқлигим ошкор этар,
Имоларим бор.

ҚИЗ: — Ҳаё деган зебу-зийнат
Иболарим бор.

ЙИГИТ: Бўйнимизга маржон қилиб
Илм гавҳарин,

БИРГАЛИКДА:

Дилимизга нақш этайлик,
Вафо ҳарфларин.

ЙИГИТ: — Бегоналар чанг солмасин
Аҳдимизга ёр.

ҚИЗ: — Ёр ва диёр омон бўлсин
Бахтимизга ёр.

БУЮРСИН

Юртим деса ким,
Юлдузли осмонга буюрсин,
Мен сенга фидо
Дегувчи тилонга буюрсин.
Дил-дилига яқин бўлди
Қаранг, тилда ғубор йўқ.
Дўст бўлса агар
Йўллари бустонга буюрсин.
Дунё биладир неча буюкларга
Ватан бу.
Зурриёдлари биз
Олиму деҳқонга буюрсин.
Турон элининг шавкати
Тарихда аёндир.
Тарихни таниб тургувчи
Посбонга буюрсин.
Биз бирла нафас олгучи
Кўп руйи заминда
Гар хушламаса топгани
шайтонга буюрсин.
Эй шонли элим, қадри баланд
қадди баландим,
Озод бу диёр мадҳи-чи,
достонга буюрсин.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

Дунё бўйлаб учдилар,
Эркни қўйлаб учдилар,
Узбекистон ёшлари,
Бағрида қуёшлари.
Урганинг деб илму фан,
Йўллади Она Ватан.

Қитъалар, қутблардан.
Ёзилган мактубларда.
Келар бир овоз садо,
Истиқболга жон фидо!
Кенг ёзди қулочларин,
Юртнинг қалдирғочлари,
Узбекистон деганда
Лол қолган тилмочлари.

Қитъалар, қутблардан
Ёзилган мактубларда
Келар бир овоз, садо,
Истиқболга жон фидо!
Ўзбекистон ёшлари,
Бағрида қуёшлари,
Қай маконда юрмасин,
Омон бўлсин бошлари.

Сафар БАРНОЕВ.

Анвар Жавлонов кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчи. Балки шу сабаблидир, у кишининг ҳикояларида мураббийларга хос кузатувчанлик, меҳр зукколик, куюнчаклик, донишмандликни дарҳол илғаб оласиз.

ИЛОҲИЙ НУР

ҲИКОЯ

Субҳи содиқ, нилий ёғду бўлмани оғушига олишга чоғлантираётган маҳал Аҳмад Фарғоний қабулхонада ҳозир бўлганини хабар қилишди.

Барваста, оппоқ матодан узун кийлак, оппоқ дўппи кийган, юзидан нур ёғилиб турган қирқ-қирқ беш ёшлардаги амир Маъмун ёш олимни оёққа қалққан ҳолда кутиб олди.

— Ассалому алайкум, эй олампаноҳ, — дея чуқур эҳтиром ила ўнг қўлини куксига қўйди Аҳмад.

— Ваалайкум ассалом. Боракалло.

Икковлон одатда олампаноҳ суҳбат қуришни хуш кўрадиган курси ёнига келишди.

— Воқеки, — дея дарҳол мақсадга кўчди амир хуш табассум ила, — бир муаззам расадхона қурмоқ нияти фақир кўнглимизга ройиш бўлмиш. Валлоҳи аълам, ул шундоқ иншоот бўлмоғи жоизки, аҳли урфон ҳеч бир мушкулотсиз ўз фаолиятлари бирла машғул бўлмоғи лозим. Фақир сизни безовта этиб, ушбу расадхона тархи ила таништирсам дегандим.

Фарғоний бир зум хаёлга толгач, чизмаларни нари суриб, жавобга оғиз жуфтлади.

— Муҳтарам амир ал-мўъминин, наздимда, агар қулингиз саҳв этган эрса бир қошиқ қонидан кечарсиз, бундоқ маҳобатли расадхона қурилиши саркори бўлиб айни чоғда Марвда таълим олаётган Мавлоно Мусо тайин этилса мақбул бўлурди. Илло, сўнгги чоғларда Мусо риёзиёт илмининг энг салоҳиятли, энг ишчан зотларидан бирига айланган.

Маъмун жилмайди.

— Фикримиз бир жойдан чиққанидан хурсандман, мавлоно. Дарҳол нома ёзиб, Мусо Хоразмийни саройимизга, «Байт ул-ҳикмат»га чорланг.

— Амрингизга мунтазирмен, олампаноҳ...

Бағдоднинг ёзи иссиқ. Серчанг бозорларида эса турклар, араблар, ҳиндлар, форслар бақириб-чақириб ўз моллорини ўтказиш учун жон-жаҳдлари билан ўлиб-тириладилар. Айниқса, ҳиндларга эътибор катта. Чунки улар фол очиш, илон ва айиқ ўйнатиш, ўт шарбатлари билан беморларни даволаш, кўзбойлогичликда тенги йўқ моҳир эдилар.

Бағдодда хоразмликлар ҳам тез-тез учраб турарди. Улар асосан турли катта-кичик урушлардан, узаро низолардан, зулмдан қочиб келган меҳнатсевар фуқаролар эдилар. Улар Бағдодда ҳам деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кўришар, бировнинг молига кўз олайтиришмас, бир-бирларига меҳрибон ва оқибатли эдилар.

... Муҳаммад бамдод намозидан кейин ижарада турган ҳужрасида етиб олганча тирқишдан тушаётган нур ёруғида Марвдан олиб келган рисолани мутолаа қилишга тутинди. У ҳинд ҳисоби хусусида эди. Китоб азбаройи кўп уқилаверганидан деярли ёд бўлиб кетган эса-да, Муҳаммад уни қўлдан қўймасди.

Вақт бир пасда ўтиб кетди. Қуёш терак бўйи кўтарилди. Белгиланган фурсат етиб келганди. Муҳаммад орасти кийиниб, Бағдод халифаси ал-Маъмун қабулига кириб борди.

Ёш Муҳаммадни девонда изза-ат-икром билан кутиб олишиб, тўғри халифа ҳузурига бошлашди..

Маъмун турли мамлакатлардан келган мунажжимлар, буаббирлар, шоирлар, риёзиюнлар орасида ўтирарди.

Хоразмийнинг саломига ҳамма гуриллаб алик олди.

— Хуш кўрдик улуғ устоз деди Аҳмад Фарғоний мулозамат ила — муборак номингизни хуб эшитган эрсак-да, дийдорингизни кўрмоқ биз учун армон эрди. Мана, аллоҳнинг марҳамати ила кутилган васл насиб этди.

— Фақир ҳам илм оламининг ёрқин юлдузларини кўриб турганимден бағоят хурсандмен, — деди Хоразмий ним эгилиб.

Маъмун одатдагидек, гапнинг индаллосига кўча қолди.

— Сиз Мусо Хоразмий, бугундин эътиборан кишварларимизда янгидан бунёд этилаётган расадхонага раҳбар этиб тайинландингиз. Мен бу ҳақдаги фармони олийга имзо чекдим.

— Қуллуқ, олампаноҳ.

— Қани, марҳамат, ўтирингиз. Меҳмоннинг тик турмоғи жоиз эрмас. Ахир таомни туриб емагайлар, сизнинг суҳбатингиз эрса энг лаззатли таомдан-да лаззатлироқдир, мавлоно.

Гурунг узоқ давом этди. Муҳаммад ўзи, хусусан Хоразм ҳақидаги саволларга мухтасар тарзда жавоб қайтариб турди. Сўнг мавзу ўз-ўзидан илмга келиб тақалди. Шунда аҳли урфон очилиб кетгандай бўлди, тиллар ешилди, энг нозик, латиф ибораларга дўлдек ёғилди..

Маъмун Муҳаммадга янги қурилаётган расадхона биқинидан уч хонали уй ва хизматкор инъом этди. Хоразмий кечикмасдан янги ошёнига кўчиб ўтди. Унга бу ишда Фарғоний яқиндан кўмаклашди.

Не ажабки, ҳали бунёд этилмаган расадхонага атаб халифа махсус тарзда дунёнинг турли мамлакатларидан китоб суратгириб йиғиб, бир кутубхона ташкил қилибди. Уларни назардан ўтказган Муҳаммаднинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Илло на Бухорода, на Хивада ва на ҳаттоки Самарқандда бундай ноёб китоблар унга учрамаганди...

Муҳаммад уйқуга кеч ётди. Ҳандасага доир ажиб бир рисоланинг мутолааси уни ҳоритган эди. У урнига ҳорғин чўзилиб, кўзларини юмди. Худди шу маҳал тепасида нур пайдо бўлганини илғади. Муҳаммад унчалик ажабланмади, зеро Хивадан чиққандан буён нечукдир сирли нур ўзини кузатиб келаётганини у ғира-шира бўлса-да, ҳис қилиб турарди. Нур оппоқ ва кўзни қамаштирадиган даражада ёруғ эди.

Муҳаммад ўзини оламдан айро сезади. Унинг қулоқлари тагида майин оҳанг таралди. Муҳаммад ўзини Хоразмда ҳис қилди. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Айни пишиқчилик. Ана, эшик ёнида қадди камондай эгилган, кичик жуссали падари бузруквори, ёнида волидаи муҳтарамаси. Атрофда Муҳаммаднинг укалари ўйнаб юришарди. Ҳовли нурга тўла...

Нур Муҳаммадни осмони фалакка олиб учди. Ногоҳ олдинда оппоқ соқолли нуроний чол пайдо бўлди ва «ўтиринг» ишорасини қилди. Муҳаммад ўтирди. Чол... нур қўйнига сингиб кетди. Фақат унинг мулойим овози Муҳаммаднинг вужуд-вужудига сингиб кетмоқда эди: «Ўлчанг, ўлчанг, ёзинг!..»

Муҳаммад итоат ила бош эгди. Овоз давом этди: «Барча фозилу фузалонинг ўз илҳом манбаи мавжуддир. Сизники эрса оппоқ нур бўлгай. Олам — тилсим. Анинг калити — илм. Риёзат йўлида ранж чекинг, китоблар битинг, аларни Чин, Ҳабашистон, Ҳинд сори йўлланг. Мудом ва мудом ёлғиз Яратганга итоатда бўлинг...

Муҳаммад ором олмоқда эди. Йўқ, у ҳужрада эмасди, балки етти қабат осмонда, булутлар қўрпаси устида ором олар, вужудига ва юрагига қувват нур қўринишида оқиб кирмоқдайди...

Тонг билан Муҳаммад шаҳар кўчаларини узоқ кезди, гадойларга кумуш танга садақа берди. Сўнг ҳужрасига қайтгач токчада турган Самарқанд қоғозидан бир букламини олдида, тахта устига қўйиб, ёзишга тутинди. Рисола ҳинд ҳисоби, уни мукаммаллаштириш ҳақида эди. Сўнгроқ олимни оламга таниттан асар шу тариқа дунёга келди...

Муҳаммад рисола битгач, бир нусхасини халифа Маъмунга тақдим этди. Маъмун мамнун бўлиб, қимматбаҳо совғалар билан муаллифни мукофотлади.

Умуман, халифа аҳли илмга хайрихоҳлик билан қарар, уларнинг оғирин енгил қилишни ўзининг бош вазифаси деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам кейинроқ «Маъмун академияси» деб ном олган «Байт ул-ҳикма»да дунёнинг турли нуқталаридан олимлар келиб ишлардилар. Улар аксар ҳолларда илмий изланиш олиб бориш билан бир қаторда юнон адиблари ва олимларининг асарларини араб тилига таржима қилардилар.

Муҳамад юнон, форс, араб, ҳинд тилларида бемалол гаплаша олгани боис барча асарларни асл нусхада уқишга интиларди.

Дарвоқе, сирли илоҳий нур энди олимнинг ҳар кеча ўз оғушига оларди. Таъбир жоиз бўлса, Муҳаммад нур устида ухларди...

Ана шундай кунларнинг бирида, афтидан, қуёш тутилиши юз берди шекилли, атрофни ногаҳон қоронғулик босди. Мардикорлар, соқчилар ваҳимага тушиб олдилар. Қий-чув кўтарилди. Шунда баланд мезанага чиқиб олган Муҳаммад шовқин-суронни босиб ҳайқирди:

— Халойиқ! Чучимангиз! Яратганга илтижо қилинг, ундан ўзга мададкор бўлмас.

Дарҳақиқат, олимнинг фикрини тасдиқлагандай атроф аста-секин ёриша бошлади. Баъзи кишилар эса ҳатто осмонда ўзидан оппоқ нур таратиб ўтган булут қурганини кейинчалик бот-бот айтиб юришди...

Шу тун ҳам Муҳаммад ал Хоразмий оппоқ нур оғушида ором олди...

Анвар ЖАВЛОНОВ.
Оқолтин тумани.

Хулласа...

«МЕН ЁЗУВЧИ ЭМАС, ЖУРНАЛИСТМАН»

Урал давлат дорилфунуни журналистика факультети талабаларидан 250 сўздан иборат диктант олинди ва... 112 та хато чиқди. Маъмуриятнинг таъкидлашича, домлаларнинг ўзи ҳам савод даражасининг тушиб кетганидан жуда ташвишда. Айниқса. тижорат воситаси орқали ўқиётган талабаларда мазкур кўрсаткич паст. Улар ҳатто, машҳур ёзувчи Иван Тургенев номини Тургеньев шаклида ёзишган.

«Наҳотки, шундай машҳур ёзувчининг номи ҳам хато билан ёзилса?» — деган саволга талаба жавоб берди: «Мен ёзувчи эмас, журналист бўлмоқчиман».

СОАТНИНГ СИРИНИ МУШУК БИЛАДИ

Франгистоннинг тоғли қишлоқларидан бирида яшовчи Антуан Корбье арзонгина нархга қадимий девор соатини сотиб олди. Хушҳол кайфиятда уйига уни осган ҳам эдики, мушуги соатга бир-икки боқди-да, ғингшиб қочиб қолди.

Соат эса «ўзини» жуда антиқа тутди: гоҳ тўхтаб қолади, вақт бемаҳал занг уради. Таклиф қилинган соатсоз уни бир-икки ағдариб, механизмларининг ҳаммаси жойида, деган хулосага келди. Корбье эса сотиб олган матоҳининг инжиқликларини кўтаролмай, шартта бировга сотиб юборди. Бир ойдан кейин эшитдики, соатнинг янги эгасининг уйи батамом ёниб кетибди. Фақаттина соат осиғлик деворгина омон қолган эмиш.

ПАВАРОТТИ МИНУС СПАГЕТТИ

Врачлар машҳур опера қўшиқчиси Лучиано Павароттига унинг севимли емиши бўлмиш спагеттидан воз кечишни талаб этишмоқда. Акс ҳолда, у ўзининг ноёб овозидан ажралиб қолиши эҳтимоли бор экан.

Кейинги пайтда Павароттининг нафаси тез-тез қисаяпти. Аввалига, нафас йўлининг шамоллаши бўлса керак, деб ўйлаган врачлар, кейинроқ қўшиқчининг товуш пайчалари босими ошиб кетган, деган хулосага келишди.

Сўнгги уч-тўрт ой ичида у учта концертни рад этди. Шундай давом этаверса, Павароттининг обрўси тушиб кетиши мумкин, дейишмоқда мутахассислар.

ПИЧАН ОСТИДАГИ «ХАЗИНА»

Оренбург вилоятининг Соколовка қишлоғидаги пичан ғарамлари уни ташиб олиб кетмоқчи бўлган ҳайдовчиларни анча терлатди.

Пичанни энди ортмоқчи бўлиб турганларида, унинг ичидан бир неча ўн яшик ароқ чиқди. Ҳайдовчилар сувсиз қолган туядай гурра унга ёпирилишди. Кейин маълум бўлишича, ўғрилар дўконни умариб, хазиналарини шу ерга яшириб қўйишган экан.

ана шунақа гаплар.

ЁШ ГЕОЛОГЛАР МУСОБАҚАСИ

Халқ таълими вазирлиги республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази, Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси, Ўзбекистон геофизика ва ўзбекгидрогеология ташкилий қўмита аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Ёш геологлар» республика бешинчи мусобақаси 19-22 июнь кунлари Андижон вилояти Хужаобод туманидаги ҳунар-техника лицейига қарашли «Ордай» оромгоҳида ўтказилди.

Мусобақага республикамизнинг барча вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 140 дан ошиқ ўсмирлар қатнашдилар.

Мусобақа қатнашчилари геологик йўналишларда юриш, минерология ва петрография, шлих ювиш усули билан минералларни топиш, гидрогеологик ўлчов, радиация миқдорини ўлчаш, гидрологик ва литологик кесим тузиш йўналишлари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Ўсмирлар билимини баҳолашда қатнашган Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекгеофизика» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг кончилик бўлими бошлиғи, геология фанлари номзоди Х.Ёқубов, Фарғона водийси бўйича Қўқон геофизика экспедициясининг етакчи мутахассиси, геология фанлари номзоди А.Ўрмонов, бош муҳандис Э.Мадумаров ва муҳандислар А.Ваҳобов, Х.Абдуллаев, Х.Шерматов, А.Мамараимов ўртоқларнинг холисона баҳоларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Шу нарсани қувонч билан айтиш керакки, мусобақа ўтказилаётган «Ордай» оромгоҳида Хўжаобод туманидаги мактабларнинг ёш геологлари тайёрлаган кўргазмада: Буюк ипак йўллари, Амир Темурнинг қадамжолари, Абдулла Қодирий номли мактабнинг «Ўлкашунос» деворий газетаси, ёш геологлар ишларидан намуналар, Хужаобод туманининг иқтисодий харитаси, Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқалари харитаси, Хужаободнинг тарихи ва табиий бойликларини кўрсатувчи жадваллар ўрин олган. Намойиш этилган буюмлар ўқувчиларда чуқур таассурот қолдириш билан бирга, геологияни янада пухта ўрганишга даъват этди.

Мусобақа қатнашчиларини, ҳар бир вилоятни Хужаобод туманидаги мактаблар ўз оталиғига олиб, улар билан дўстлик ипларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Чунончи, Фарғона вилояти қатнашчиларини Хужаобод туманидаги 22-мактаб (директори М.Абдуллаева), Қашқадарё вилояти вакилларини 3-мактаб (директори Т.Рустамов), Бухоро вилояти иштирокчиларини 16-мактаб (директори А.Жўраев) фаоллари кутиб олдилар ва ҳар бир мусобақа қатнашчисига эсдалик совғаларини топширдилар.

Мусобақа якунига кўра Андижон ва Самарқанд вилояти вакиллари ҳамда Тошкент шаҳри иштирокчилари ғолибликни қўлга киритдилар. Улар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Нуъмонжон ҚУРБОНОВ.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Шуҳратхон ЖЎРАХОНОВИЧ!

Сизни таваллуд топган кунингизга 50 йил тўлиши муносабати билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, келгуси ҳаётингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси.

ДЎСТ ВА УСТОЗ ХОТИРАСИ

Фалсафа оламида ўзбек хотин-қизларидан биринчи фалсафа фанлари доктори, профессор Ойсара Пардаевна Умурзоқова узоқ давом этган хасталикдан сўнг 1996 йил 22 июнда вафот этди.

Профессор О. П. Умурзоқова 1931 йил мезон (сентябрь) ойида Зомин туманидаги Қудуқча қишлоғида таваллуд топди. 1954 йили А. Навоий номли ЎзДУнинг тарих факультетини тугатгандан сўнг меҳнат фаолиятини йўлланма билан Самарқанд шаҳридаги педагогика институтида ўқитувчилик лавозимидан бошлади. 1957-1960 йиллари ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институтида аспирантурани утгандан сўнг то 1964 йилгача ушбу институтда кичик, кейинчалик катта илмий ходим сифатида ишни давом эттирди. 1964-1989 йиллар мобайнида институт директорининг илмий ишлар бўйича муовини бўлиб ишлаш билан биргаликда этика, эстетика, сўнгра миллий муносабатлар муаммоси секторларининг мудири сифатида ҳам фаолият кўрсатди. 1989 йилдан то умрининг сўнгги кунигача Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти фалсафа кафедрасининг мудири вазифасида меҳнат қилди.

У Узбекистон фалсафа жамияти раёсатининг, ЎзФА, фалсафа ва ҳуқуқ институти қошидаги фалсафа бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган ихтисослашган кенгашнинг аъзоси эди.

О. П. Умурзоқова 1961 йили номзодлик, 1972 йили эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. У Ўзбек миллий анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзи муаммоларини илмий таҳлил қилиш ҳамда амалий тадбирларни жорий қилиш имкониятларини ишлаб чиқишда жуда катта фаоллик кўрсатди. Бу соҳада монографиялар, жуда кўплаб рисолалар ва илмий мақолаларнинг муаллифидир. Шу билан бирга О. П. Умурзоқова Ўзбекистонда фалсафа илмини мустақиллик шароитида ривожлантирувчи кўплаб иқтидорли фан докторлари ва номзодларини етиштириб чиқардики, бу у кишининг Ўзбекистон файласуфлари сулоласида етарли даражадаги юқори ва мустаҳкам ўринда эканлигидан далолат беради.

Узбекистон Республикасида фалсафий илм ва таълимни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун профессор О. П. Умурзоқова бир неча бор ҳукумат томонидан медаллар билан тақдирланган ва раҳматномалар олган.

Устоз, профессор Ойсара Пардаевна Умурзоқованинг ёрқин хотираси унинг кўп сонли дўстлари, шогирдлари қалбида ҳурмат ва эҳтиром билан сақланади.

Бир гуруҳ дўстлари ва шогирдлари.

Бухоро вилоят «Таълимтаъминот» корхонаси қошида (705001, Бухоро шаҳри, Карл Маркс кўчаси 7(3) Россия билан кодоскоп, эпидиаскоп, эпипроектор, графопроектор, телескоп ва фильмоскопларни таъмирловчи «Мактаб-Жиҳоз-Бухоро» қўшма корхонаси очилмоқда.

Юқорида кўрсатилган техник воситаларни таъмирлаш учун буюртмалар юборишингизни сўраймиз. Тел: 4-27-22, 4-37-36.

Республика «Таълим-таъминот» — Жиҳоз» (Тошкент шаҳри, Сағбон кўчаси 13-тор кўча 28 уй) Корхонаси қошида Россия билан кодоскоп, эпидиаскоп, эпипроектр, графопроектр, телескоп ва фильмоскопларни таъмирловчи «Мактаб-Жиҳоз» қўшма корхонаси очилмоқда.

Юқорида кўрсатилган техник воситаларни таъмирлаш учун буюртмалар юборишингизни сўраймиз. Тел: 29-12-30, 29-04-94.

Республика «Таълим-таъминот-Жиҳоз» (Тошкент шаҳри, Сағбон кўчаси 13-тор кўча 28 уй) Корхонаси қошида Россия билан лингафон кабинети, физика кабинети, химия кабинети электр ускуналарини, амперметр, вольтметр, осцилограф, универсал тўғрилагичларни таъмирловчи «Мактаб — Лингафон» қўшма корхонаси очилмоқда.

Юқорида кўрсатилган техник воситаларни таъмирлаш учун буюртмалар юборишингизни сўраймиз. Тел: 29-12-30, 29-04-94.

Андижон вилоят «Таълимтаъминот» корхонаси қошида (710011 Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси 10 уй) Россия билан лингафон кабинети, физика кабинети, химия кабинети электр ускуналарини, амперметрлар, вольтметрлар, осцилографлар, универсал тўғрилагичларни таъмирловчи «Мактаб — Лингафон — Андижон» қўшма корхонаси очилмоқда.

Юқорида кўрсатилган техник воситаларни таъмирлаш учун буюртмалар юборишингизни сўраймиз: Тел: 6-13-07, 6-15-88.

Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманидаги 28-ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Абдуллаев Илҳом Маманович номига берилган А 279185 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

***

1987 йилда Урта Чирчиқ туманидаги 67-ўрта мактаб томонидан Исақов Тулқин номига берилган Д 403372 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти маъмурияти ва жамоаси физика-математика ва информатика кафедраси мудири, доцент М. Содиқовга отаси

ҚУРБОН СОДИҚОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси умумий ўрта таълим бўлими мудири Р. Зинуровага отаси

Гайфулла ЗИНУРОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар булими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0381. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6